

Davlat Soliq Xizmati

# Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг умумий қоидалари

# Солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик тушунчалари

Davlat Soliq Xizmati

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИК** - бу ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.



**СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК**

солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг Солиқ Кодексида жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги).

Ўзбекистон Республикасининг
Солиқ кодекси 210-модда.

**ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК**

ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқбузарлик фактидан келиб чиқадиган қилмиши учун ҳуқуқ нормаларига асосланган давлат мажбурлов чоралари.

**СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

ваколатли давлат органлари томонидан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралари.

# Жавобгарликка тортишнинг амалга оширилиш шакли

**Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик икки шаклда амалга оширилади**



## Маъмурий тартибда

*ҳуқуқбузарга нисбатан ваколатли мансабдор шахс (солиқ органининг раҳбари, раҳбар ўринбосари) ёки орган (судья) томонидан жавобгарлик қўлланилади*



## Суд тартибида

*ҳуқуқбузарга нисбатан фақат ваколатли давлат органи номи билан суд томонидан жавобгарлик қўлланилади*

Davlat Soliq Xizmati

# Жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари





Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси



Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодекс



Жиноят кодекси



Солиққа оид бошқа қонун ҳужжатлари

# Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра жавобгарлик субъектлари (211-модда)




**Юридик шахслар**

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

чет эл юридик шахслари;

халқаро ташкилотлар



**Якка тартибдаги тадбиркор**

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс;




**Жисмоний шахслар**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

чет давлатларнинг фуқаролари;

фуқаролиги бўлмаган шахслар

жавобгарлиги **ўн олти ёшдан** бошлаб вужудга келади

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

Davlat Soliq Xizmati

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

**қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, ғайриҳуқуқий, айбли содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.**



**Ўзбекистон Республикасининг МЖтК 10-модда.**

**ўн олти ёшга** тўлган, солиқларни тўлаш мажбуриятига эга ақли расо шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин



**Шахслар**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

чет давлатларнинг фуқаролари;

фуқаролиги бўлмаган шахслар;

мансабдор шахслар.

Баъзи давлатларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик шахсларга ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган (масалан, Россия Федерацияси). АҚШ ва кўпгина Ғарбий Европа давлатларида солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тизимида маъмурий жавобгарлик мавжуд эмас.

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар

Davlat Soliq Xizmati

## ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ

- айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;



- ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;




- ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар

**ОҒИРЛАШТИРУВЧИ**



ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;



ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;



ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;



маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;




вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш



ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.



**Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатларни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.**

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жазо қўлланиш муддатлари



Солиқ ҳуқуқбузарлиги содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб **бир йилдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.




Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб **бир ойдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жарима жавобгарлиги







**Маъмурий жарима ҳуқуқбузар томонидан**

жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ***ўттиз кун***дан кечиктирмай тўланиши лозим

шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ***ўн беш кун***дан кечиктирмай тўланиши лозим

15 кун ичида ихтиёрий равишда 70%ини тўлаган тақдирда у ***қолган қисмидан (30%) озод этилади***








**АНЧА МИҚДОР**даги қийматда деганда БҲМнинг 100 бараваридан – 300 баробаригача бўлган, **КЎП МИҚДОР**да денганда БҲМнинг 300 дан – 500 баробаригача бўлган миқдор тушунилади.

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жарима жавобгарлиги

Davlat Soliq Xizmati

**МЖтКнинг 159-1, 168, 174 ва 215-3-моддаларида ва 175-моддасининг 1, 2, 5 ва 6-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар**

ДСХО бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан

**15 кун**

МЖтКнинг 271-моддаси 11-банди ҳолатларида **30 кун**

муддатда кўриб чиқилади

маъмурий жазо қўллаш

ишни юритишни тугатиш

тўғрисида қарор қабул қилинади

ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса

ЯТТлар ва (ёки) уларнинг ходимлари томонидан содир этилса

Тадбиркор-юридик шахснинг мансабдор шахс ва (ёки) ходими томонидан содир этилса

кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

санкцияда назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш

судлар томонидан кўриб чиқилади

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| 1. | Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидасини бузиш (МЖтК 164-модда) | фуқароларга БҲМнинг **ўн баравари**, мансабдор шахсларга эса — **йигирма баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |
| | | Анча миқдордаги қийматда бузиш: фуқарога БҲМнинг **йигирма беш баравари** миқдорида, мансабдор шахсларга эса — **қирқ баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |
| | | Кўп миқдордаги қийматда бузиш: фуқарога БҲМнинг **етмиш баравари**, мансабдор шахсларга эса — **саксон баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |
| 2. | Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда савдо қилиш (МЖтК 164-модда) | сотилаётган маҳсулотларни мусодара қилиш билан БҲМнинг **5 бароабаридан – 10 баробаригача** |
| 3. | Товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун накд пул маблағлари билан ёки пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар шаклига қараб, уларнинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, —(МЖтК 164-модда) | БҲМнинг ўттиз **баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| **4.** | Фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғилланиш (МЖтК 165-модда). | фуқарога БҲМнинг **15 дан – 20 бробарибаригача,** мансабдор шахсларга **20 дан – 25 бробарибаригача** |
| | | Бир йил давомида такрорланганда: фуқарога БҲМнинг **10 дан – 20 бробарибаригача**, мансабдор шахсларга **20 дан – 30 бробарибаригача** |
| **5.** | Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифати ва ишлаб чиқариш маркаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш ва сотиш учун олиб қўйиш (МЖтК 166-модда) | товарларни (маҳсулотларни) мусодара қилиб, фуқароларга БҲМнинг **уч бараваридан беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан ўн бараваригача** |
| | | Жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрорланганда: товарларни (маҳсулотларни) мусодара қилиб, фуқароларга БҲМнинг **беш бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн бараваридан ўн беш бараваригача**. |
| **6.** | Ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш ва шу мақсадда сотиб олиш;<br>Қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш (МЖтК 166-модда) | мансабдор шахсларга БҲМнинг **10 баробаридан – 15 баробаригача**;<br>мансабдор шахсларга БҲМнинг **юз баравари миқдорида** |

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| **1.** | Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ДСХОда ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўймаслик (МЖтК 159-1-модда). | БҲМнинг **5 бараваридан 10 бараваригача** |
| **2.** | Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги (МЖтК 160-модда 2-қисми). | БҲМнинг **1 баравардан 5 бараваригача** |
| **3.** | Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш<br>(МЖтК 176-модда). | ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб,<br>БҲМнинг **5 баробаридан 7 баробаригача** |
| | | Анча миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда содир этилганда: ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, БҲМнинг **7 баробаридан 10 баробаригача** |
| | | Кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда содир этилганда: ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг **10 баробаридан 50 баробаригача**<br>Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади. |

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| 3. | Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш (МЖТК 175-3-модда). | фуқароларга БҲМнинг **1 баробаридан 3 бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **3 баробаридан 7 баробаригача** |
| 4. | Хўжалик юритувчи субъект томонидан почта манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этиш (МЖтК 176-2-модда). | БҲМнинг **10 баробаридан 15 баробаригача** |
| 5. | Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очиш (МЖтК 175-модда). | БҲМнинг **5 баробаридан 10 баробаригача** |
| | Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузиш (МЖтК 215-3-модда). | БҲМнинг **7 баробаридан 10 баробаригача**<br>Бир йил давомида такрорланганда: БҲМнинг **10 баробаридан 15 баробаригача** |

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| 1. | Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш (МЖтК 174-модда). | фуқароларга БҲМнинг **10 баробари** миқдорида, мансабдор шахсларга эса — **15 баробари** миқдорида |
| | | Анча миқдорда содир этилса:<br>фуқароларга БҲМнинг **20 баробари** миқдорда,<br>мансабдор шахсларга эса — 30 баробари миқдорида |
| | Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш | БҲМнинг **1 баробаридан 3 баробаригача** |
| 2. | Солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик (МЖтК 175-модда). | БҲМнинг **5 баробари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. |

# Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жарима санкциялари

Davlat Soliq Xizmati

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

| Т.р | Қонунбузилиш ҳолатлари | Маъмурий жарима миқдори |
|---|---|---|
| 3. | Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш (МЖтК 175-1-модда). | БҲМнинг **3 бароборидан 7 бароборигача** |
| | | Жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрорланганда: БҲМнинг **7 бароборидан 10 бароборигача** |
| 4. | Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш (МЖтК 175-4-модда) | БҲМнинг **10 бароборидан 15 бараваригача** |
| 5. | Ходимлар сонини яшириш (МЖтК 175-5-модда). | БҲМнинг **10 баробари** миқдорида |
| | | Жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрорланганда: БҲМнинг **20 баробари** миқдорида |

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ